

Миллий қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни

Қарши МИИ
ф.ф.н. Н.Очилова

Қадриятлар маънавий маданиятнинг мағзини ташкил этади. Қадрият аллақандай ҳодиса, воқеа ёки нарсаларнинг ўзига хос хусусияти ёки хоссаси эмас, балки унинг моҳияти, ўз навбатида борлиқнинг у ёки бу объектининг яшаши, мавжуд бўлиб туриши учун том маънодаги зарурий шартидир. Қадриятлар инсон бисотида турли-туман эҳтиёжларнинг ва ҳис-туйғуларнинг мавжудлигидан далолат беради, атрофида содир бўлаётган воқеаларни, ҳодисаларни турлича баҳолашлари учун замин яратади.

Қадриятларни жамият, миллат ҳаётидаги ўрни, ижтимоий характерига қараб миллий ва умуминсоний, синфий ёки диний, шунингдек, кишиларнинг ёши, профессионал хусусиятларига хос қадриятларга бўлиш мумкин. Инсоннинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, миллий ғурури миллий қадриятлар ҳар бир кишининг тили, тарихи, дини, адабиёти, санъати. Расм-русумлари, урф-одатлари, байраму сайиллари, бошқача айтганда маданий-маънавий мероси, инсоннинг фазилатлари, хислатларининг йиғиндисидир. Миллий қадриятлар ўша миллатга мансуб ҳар бир киши томонидан яратилган инсонийлик, одамийликка хос фазилатлар, хислатлар, хосиятларни, миллий маданий мерос хазинасига қўшган ҳиссасини ифодаловчи кўрсаткичдир. Миллий қадриятлар миллатнинг равнақи ёки инқирози билан бевосита боғлиқ бўлади.

Миллий қадриятлар ўтмишдан бугунги томон ҳаракатда бўлган жараён дир. У аждодлардан ўтиб туради. Ўз навбатида, аждодларни авлодлар билан боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Миллий қадриятлар миллатни этник хусусиятлари ва этник макони билан боғлиқ бўлади.

Миллий қадриятлар ўтмишдан бугунги томон ҳаракатда бўлган жараён дир. У аждодлардан авлодларга ўтиб туради. Ўз навбатида, аждодларни авлодлар билан боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Миллий қадриятлар миллатнинг этник хусусиятлари ва этник макони билан боғлиқ бўлади. Лекин миллий қадриятлар фақат ўша миллат яшаётган этник маконда фаолият кўрсатади, ундан ташқарига чиқа олмайди, деб бўлмайди. Миллий қадриятлар этник макондан чиқиб, бошқа миллат учун ҳам миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўзига хос қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғловчи ҳалқадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан халқимизнинг энг яхши меҳнатсеварлик, ҳалоллик, яхши кўшнилик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, фарзандлар ва ота-оналар ўртасида, келин билан қайнона ўртасидаги ўзаро ҳурмат каби миллий қадриятларимиз тикланиб бормоқда..